

Қуръоннинг Қуръон билан насх бўлиши



17:04 / 22.12.2017 3153

Уламолар ва муслмон уммати Қуръоннинг ҳаммаси насх бўлмаслигини алоҳида таъкидлаганлар. Қуръон Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бош ва абадий мўъжизаларидир. У, Аллоҳ таолонинг охирги ва қиёматгача боқий қолувчи китобидир. Қуръонда Аллоҳ таолонинг охирги ва боқий шариатининг ҳукмлари бордир.

Аллоҳ таолонинг Ўзи Қуръонни муҳофаза қилишга ваъда бериб, шундай деб марҳамат қилади:

«Албатта, Зикрни Биз нозил қилдик ва, албатта, уни Биз муҳофаза қилурмиз» («Ҳижр» сураси, 9-оят).

Ушбу оятдаги «Зикр»дан мурод Қуръондир.

Барча уламолар Қуръоннинг баъзиси баъзисини насх қилишига ижмоъ қилганлар. Бу ҳақда Қуръоннинг ўзида оят келган ва насх қилинган оятлар мавжудлиги ҳаммага маълум ва машҳур.

Уламолар Қуръоннинг Қуръон билан насх бўлиши уч турли бўлишини ҳам айтганлар. Мазкур турлар билан кейинроқ танишамиз.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Усулул фиқҳ китобидан)